НАВОИЙ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

ТВЕРЬ
ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

Navoi city, may 27, 2020

# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Халқаро илмий онлайн конференция**
**2020 йил 27 май, Навоий**

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Международная научная онлайн конференция**
**27 мая 2020 года, Навои**

# ACTUAL PROBLEMS OF INNOVATIONAL COOPERATION IN IMPROVEMENT OF QUALITY OF THE HIGHER EDUCATION

**International scientific online conference**
**May 27, 2020 year, Navoi**

NSPI.UZ

COVID-19 БИРГА ЕНГАМИЗ!
ПОБЕДИМ COVID-19 ВМЕСТЕ!
BEAT COVID-19 TOGETHER!




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТВЕРЬ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Халқаро илмий онлайн конференция

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

*3-китоб*

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

**МАТЕРИАЛЫ**

Международной научной онлайн конференции

*3-книга*

# ACTUAL PROBLEMS OF INNOVATIONAL COOPERATION IN IMPROVEMENT OF QUALITY OF THE HIGHER EDUCATION

**MATERIALS**

of the international scientific online conference

Book 3

*Навоий – 2020*

ІОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТИ
това С. Ш.-НавДПИ.Ўзбекистон............................................................221

GES IN ATTITUDE TOWARDS SCIENCE: CHARACTERISTICS, L IMPACTS AND REASONS
kulova, NSPI. Uzbekistan
fic adviser: D.Sh. Kodirova, NSPI, Uzbekistan............................................................223

ИДДИН БОХАРЗИЙНИНГ БИЛИШГА ОИД ҚАРАШЛАРИ
а М.- БухДУ. Ўзбекистон............................................................225

ІИЙ СПОРТ ТУРЛАРИ МАШҒУЛОТЛАРИДА МАЖМУАВИЙ НАЗОРАТНИНГ ЛЛИКЛАРИ
гов О.У., катта ўқитувчи, НавДПИ, Ўзбекистон............................................................228

ІРЛАРНИ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШДА ІРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДАГИ КАСБИЙ ТАЁРГАРЛИК
ниев-НавДПИ, Ўзбекистон............................................................230

ІОРТЧИЛАРДА УМУМИЙ (АЭРОБ) ЧИДАМЛИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ев Ш. Б.-НавДПИ, Ўзбекистон............................................................232

ОЛОГИК ЖАРАЁН ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ІМ ОМИЛИ СИФАТИДА
ова Д. Я., Ниязова Ш.Т., НавДПИ, Ўзбекистон............................................................235

ТИЛИ ТАЪЛИМИДА НУТҚ ВА ТИЛ МУТАНОСИБЛИГИ
лова Р. Адизбоева А-НавДПИ, (Ўзбекистон)............................................................236

ΓA'LIM TIZIMI TARIX TA'LIMIDA O'YINLI TEXNOLOGIYALAR – SAMARADORLIGINI OSHIRISH VOSITASI SIFATIDA
ayev.- NavDPI. O'zbekiston............................................................238

IDDIN SAYYID SHE'RLARINING AYRIM LEKSIK XUSUSIYATLARI
nova S., NavDPI O'zbekiston............................................................238

; DEVELOPMENTAL ACTIVITIES FOR IMPROVING EFL NERS' SPEAKING SKILLS
ova M. S., Abduqodirova Y.S. NSPI. Uzbekistan............................................................241

TILINI O'RGATISHNING ISTIQBOLLARI VA YOSHLARIMIZNING YUTUQLARI
a M.A. kata o'qituvchi NavDPI, O'zbekiston............................................................242

ВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ФАН ВА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ
ова М. Т.- БухДУ.Ўзбекистон............................................................244

# ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ФАН ВА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ

**Акрамова М. Т.-** БухДУ.Ўзбекистон.

**Аннотация:** Ушбу мақолада комил инсонни тарбиялашда фан ва таълим интеграцияси ёритиб берилган.
**Аннотация:** В данной статье освещена интеграция науки и образования в воспитании молодежи.
**Annotation:**This article highlights the integration of science and education in the education of young people.

Ҳар қандай жамиятда комил инсонни тарбиялаш учун асосан унинг руҳий-маънавий оламини бойитиш, онгига эзгу фазилатлар ва юксак ахлоқ руҳини сингдириш алоҳида аҳамиятга эга. Баркамол авлод – бу ижтимоий фазилатларга, жамият ижтимоий-маънавий тараққиёти учун зарур бўлган ахлоқий хислатларга эга инсонлар. Киши жамиятдагина ўзлигини, фазилатларини намоён эттаолади, у ижтимоий-маънавий хислатларини ҳам маълум бир муҳитда қарор топтиради ва шу муҳитнинг манфаатларига, қадриятларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунинг учун ахлоқ, одоб баркамоллик ва ижтимоий-маънавий тараққиёт белгиси сифатида қаралади.

Барча олий таълим муассасаларида фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида жаҳонда тўпланган тажрибанинг ўрганилиши талаба-ёшларнинг республика ҳаётида фаол ва онгли равишда иштирок этишларига кўмаклашмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳар томонлама ислоҳотчилик фаолияти, фуқаролик жамияти ва демократик давлатнинг босқичма-босқич барпо этилаётган, ёшларга оид давлат сиёсати принципларининг изчил қўлланиши, сиёсий партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва бошқа ижтимоий-сиёсий омиллар ёшларимиз жадал ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб этилаётганлигини, жамиятнинг ижтимоий-демографик гуруҳи сифатидаги хусусиятини акс эттирувчи тамоман янги сиёсий маданиятга эга эканлигини, кўп миллатли ва кўп динли мамлакатимиз шароитида ижтимоий-маънавий эчимларига асосан доимий равишда ривожланиб бораётган толерантликсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган амалий сиёсий фаолликни намоён этаётганликларини кўрсатмоқда.

Ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва маданиятини юксалтириш – жамиятнинг муҳим фаолияти. Ўзбекистондаги ижтимоий-маънавий жараёнларнинг изчил демократик йўналиши, ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи сайлов жараёнларининг демократик моҳиятга эга эканлиги ушбу ижобий ҳолатнинг яна бир тасдиғидир.

ПрезидентимизШ.М.Мирзиёев ўзининг «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз»асарида таъкидлаганларидек, *«Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.»*[194]

Инсон тафаккури шундай бир жараёнки, у доимо ривожланиб, такомиллашиб, бойиб бораверади. У айниқса, тарбиянинг туб бурилиш даврларида ижодий хусусиятга эга бўлади, бунёдкорлик ва яратувчилик омилига айланади. Шу боис ҳам, инсон тафаккурини доимо тарбиялаш ва бошқариш эҳтиёжи юзага келади. Айнан шу мақсадлар йўлида тарбияланган инсон тафаккури, ўз навбатида, ижтимоий фаолликни туғдиради. Ижтимоий фаоллик эса, шак-шубҳасиз, кишиларни ижодий ташаббус кўрсатишга даъват қилади, уларнинг малака ва қобилиятларининг ўсишига ёрдам беради. Бинобарин, ҳар бир инсонда мустақил тафаккур, эркин фикр бўлмаса, унинг фаолияти ижодиётга айланмайди. Ижодиётга айланмаган меҳнат яратувчилик моҳиятига эга бўлмайди.

Бугунги ёшларда бунёдкорлик ва яратувчилик, янги ҳаётни қуриш кайфиятини шакллантириш қандай омилларга боғлиқ, унга эришишнинг мақбул воситаларини излаб топиш учун нималар қилмоқ зарур?

Бу масалани чуқур таҳлил қилар эканмиз, яна бир бор амин бўламизки, бундай бунёдкорлик ва яратувчилик тафаккури, дунёқарашини шакллантиришда инсонлар онгига эътиборни кучайтириш, кучли билим меҳнат, сабр-тоқат зарурлигини англаймиз.

[194]Ш.М.Мирзиёев."Эркин ва фаровон,демократик Ўзбекистондавлатини биргаликдабарпо этамиз".- Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -Б. 14